болып, ол дәрьяның суўлылығы ең аз дәрежеде болғанда март-апрель айларына туўры келеди, ал төмен көрсеткиши жаз айларында суўлылықтың ең аз дәўиринде 1,8-1,9 г/л тең болады [4].

Жаз айларында суўының минерализацияланыўы 1,83-1,94 г/л әтирапында болады. Суўдың ионлық қурамында натрий хлор (0,1-0,4 мг/л), кальций (0,1-0,5 мг/л), магний (0,05-0,2 мг/л) ҳәм басқаларына тең болған.

«Даўыткөл» суў сақлағышының тийкарғы физика-химиялық көрсеткиши төмендеги 3-кестеде келтирилген.

*3-кесте. «Даўыткөл» суў сақлағышы суўларының тийкарғы физика-химиялық көрсеткишлери*

| Пробалар алынған орын | Сәне | pH | $O_2$ (мг/л) | $БПК_5$, ($мгО_2$/л) | Окислениўи ($мгО_2$/л) | Улыўма қаттылығы (мг.экв/л) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| т.№1 | 08.12.2020 | 7,9 | 6,8 | - | - | 29,1 |
| т.№2 | 10.12.2020 | 8,0 | 6,3 | - | - | 21,6 |

«Даўыткөл» суў сақлағышы суўындағы араласып кеткен биогенлик затлардың көрсеткишлери 4-кестеде келтирилген.

*4-кесте. «Даўыт көл» суў сақлағышы суўындағы араласып кеткен биогенлик затлардың көрсеткиш муғадары*

| Пробалар алынған орын | Сәне | Амон. азот | Нитрат-лар | Нитрат-лар | Фосфат-лар | Улыўма темир | Керем-нийдиң еки окиси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| т.№1 | 08.12.2020 | 0,09 | 0,001 | 0,71 | 0,07 | - | - |
| т.№2 | 10.12.2020 | 0,08 | 0,009 | 0,44 | 0,06 | - | - |

«Даўыткөл» суў сақлағышы азықлық базасы (фито-, зоопланктон, бентос) бойынша мағлыўматлары жоқ болыўына байланыслы олардың есабы фито-, зоопланктонлар г/м$^3$ та есапланып, олардың муғдарлық көрсеткиши - жүдә жоқары, жоқары, орташа ҳәм төмен көрсеткишлери менен баҳаланған.

Ҳәзирги ўақыттағы экосистема жағдайының турақсызлығы себепли суў сақлағыштың балықлар ушын азықлық қурамы ҳәм муғдары (зообентос ҳәм зоопланктон) төмен деп баҳаланған. Бирақ алдынғы дәўирлерде органикалық затлардың өнимлери - фитопланктоны бойынша бул суў сақлағыш жоқары эвтрофлы типине кирген, бул өз нәўбетинде, бул суў сақлағышта ақ дөңмаңлай балығының жоқары өнимдарлы популяциясының раўажланыўына имканият берген.

Ҳәзирги ўақытта балықлардың тийкарғы аўқатлық бирлиги болып «Даўыткөл» суў сақлағышының азықлық базасын жақсылаў мақсетинде бул суў сақлағышта жоқары суў өсимликлери типи Azolla carolina ҳәм басқа абориген өсимликлер менен байтыўдың перспективалық жобасы алға қойылған.

**Әдебиятлар**

1. Жолдасова И.М., Констатиновна Л.Г. и др. Реакция лимнических систем на антропогенное воздействия (на примере Дауткульского водохранилища ). -Ташкент: «Фан», 1987. –С.134.

2. Юсупов О. 1988. Паразитические простейшие рыб озера водохранилища Дауыткуль в дельте Амударьи. Сб. «Болезни и паразиты в тепловодном рыбном хозяйстве». –С. 68-71.

3. Жолдасова И.М, Павловская Л.П., Любимова С.К., Уразымбетова Б.К., Темирбеков Р.У. Рыбохозяйственные водоемы дельтовой зоны Амударьи и проблемы устойчевого использования их ресурсов, //Вестник ККО АН РУз. 2002. №5-6. –С. 3-9.

4. Паспорт (водоёма «Дауткуль») рыбохозяйственного водоёма. –Нукус: 2011.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада «Дауткўл» сув омбори сувининнг ҳарорати, асосий физик-кимёвий тавсифи, ундаги биоген моддалар, озуқа базаси ва бошқалари бўйича маълумотлар берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье приводятся температурные и основные физико-химические характеристики вод, а также данные о биогенных массах и кормовой базе Дауыткульского водохранилища.

**SUMMARY**

The article presents the temperature and basic physical - chemical characteristics of reservois, as well data on biogenic masses and food resources of the Dautkul reservoir.

## АНТРОПОТОПОНИМЛАР: НОМЛАШ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ҲУДУДИЙ ТАФОВУТЛАРИ ҲАҚИДА

**К.М.Хакимов –** *география фанлари номзоди, доцент*
*Жиззах давлат педагогика институти*
**К.М.Сейтниязов –** *география фанлари номзоди, доцент*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** антропоним, антропотопоним, географик объект, жой номи, ижтимоий эҳтиёж, адреслик функцияси.
**Ключевые слова:** антропоним, антропотопоним, географический объект, топоним, социальная потребность, адресная функция.
**Key words:** antroponims, antropotoponims, geographical object, names of place, social needs, address function.

*Кириш.* Топонимик адабиётларда ҳар қандай кишининг исми, фамилияси, лақаби, тахаллуси, нисбаси - антропоним (юнонча, антропос - "одам", оним - "ном"), улар асос бўлиб хизмат қилган географик объектнинг номи антропотопоним (юнонча, топос - "жой", оним - "ном") дейилади. Антропонимларнинг ҳудудий тарқалиши, келиб чиқиши, амалда қўлланилиши, этимологияси ҳамда, антропонимик тизимларнинг тузилиши ва ривожланиш босқичларини ўрганадиган соҳа антропонимика деб аталади.

Кишилар исми инсон тафаккурининг ноёб маҳсули сифатида аждодлардан мерос бўлиб келаётган беқиёс маънавий бойлик ҳисобланади. Уларда халқнинг орзу-умидлари, илмий, диний, фалсафий қарашлари, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, маданияти ва маънавиятига оид маълумотлар мужассам. Бинобарин, кишилар исми оддий сўз эмас, балки ўз қонуниятларига эга бўлган алоҳида атоқли отлар қатламини ташкил қилади.

Ўзбекистонда антропонимларни лисоний жиҳатдан тадқиқ қилишда Э.Бегматов, Т.Нафасов, Ғ.Сатторов, И.Раҳимов, А.Омонтурдиев, Н.Охунов каби олимлар катта ҳисса қўшганлар. Хусусан, ярим асрдан кўпроқ вақт давомида ўзбек антропонимларини ўрганган таниқли олим, профессор Э.Бегматовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Географ олимлардан Ҳ.Ҳасанов ва С.Қораевлар антропонимларнинг жой номларига айланиши ва уларнинг ҳудудий тафовутларини қисман ўрганишган.

Маълумки, антропонимлар турли сабабларга кўра географик объектларга ном бўлиб ўтиши мумкин. Уларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, антропотопонимлар жой номларининг бошқа турларига қараганда анча беқарор ҳисобланади. Баъзан уларни тузилиши ва семантикаси ҳам ўзгариши мумкин, кўпинча географик объектнинг йўқолиши антропотопонимларнинг истеъмолдан чиқишига сабаб бўлади.

*Ишнинг мақсади ва вазифалари.* Ҳозирга қадар географлар томонидан антропотопонимларнинг яратилиши билан боғлиқ қонуниятлар, уларнинг ҳудудий тафовутлари ва тарқалиш географияси илмий жиҳатдан кам ўрганилган. Шунинг учун, мазкур тадқиқот ишининг асосий мақсади антропотопонимларнинг пайдо бўлиш сабаблари, ҳудудий тафовутлари ва номлаш қонуниятларини илмий манбалар асосида ўрганишдан иборат. Ишда белгиланган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш назарда тутилган: а) антропотопонимларнинг номлаш қонуниятларини ўрганиш; б) ҳудудий тафовутлари ва минтақавий хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш; в) мемориал ва патроним номларнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш.

*Асосий қисм.* Антропотопоним - энг аввало бу сўз ва у барча сўзлар каби лингвистика қонуниятларига бўйсунади. Аммо, уларнинг семантикаси бошқа сўзларга нисбатан тилнинг таркибий қисмларига камроқ боғлиқ бўлади. Бу ҳолат тадқиқотчидан антропотопонимларни ўрганиш жараёнида алоҳида тартиб ва қоидаларга риоя қилишни талаб қилади. Шунинг учун, улардан билиб билмасдан узоқлашиш тадқиқот натижаларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин [12].

Мутахассисларнинг аниқлашича, антропонимларнинг жой номига, яъни антропотопонимга айланиш жараёни турли омиллар таъсирида кечади. Бу аввало икки тизимнинг бир-бири билан яқин муносабати ва уларнинг ўзаро характерли хусусиятлари билан боғлиқ. Чунки, антропотопонимлар ҳам худди топонимлар сингари индивидуаллашади, кишини, маълум бир шахсни этник белгиси, миллий хусусиятлари, урф-одатлари, ижтимоий-сиёсий қарашларини ўзида ифода этади.

Шу сабабли, ҳам улар орасидаги ўзаро муносабат жуда қадимдан шаклланган. Кўплаб киши номларининг жой номига ёки аксинча жой номларининг киши номларига айланиши худди шу омиллар билан боғлаш мумкин. Антропонимлар топонимга айланиб, барча географик номлар каби ўзининг энг муҳим вазифаси бўлган объектни фарқловчи, бошқалардан ажратувчи, яъни адреслик функциясини бажаради.

Таниқли номшунос олим З.Дўсимовнинг ёзишича, антропонимларнинг географик номга айланишида шахс ва объект муносабати муҳим рол ўйнайди. Аввало бирор ҳудуддаги кишилар ёки шахснинг жамиятда тутган ўрни муҳим белги бўлиб хизмат қилади. Бу белгилар турлича ифодаланиши мумкин, кишиларнинг касби, машғулоти, мансаби, этник таалуқлилиги, лақаби каби қатор индивидуал турларда акс этади [1].

Дарҳақиқат, кўпгина ижтимоий терминларнинг, лақабларнинг ва баъзи этнонимларнинг топонимга айланишида антропонимлар муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Бу хилдаги белгиларнинг кўпчилиги ўз-ўзидан жой номига айланмайди. Улар даставвал киши номи билан бирга қўлланилади. Вақт ўтиши билан турли омиллар асосида жой номига ўтади [2].

Мутахассислар киши исмларининг жой номига, хусусан аҳоли манзилгоҳлари (ойконимлар) га ўтишини хусусий мулкчилик, янги ерларни ўзлаштириш, янги қўрғонлар барпо этиш каби ижтимоий воқелик билан боғлиқлигини қайд қилишган. Масалан, профессор Ю.Аҳмадалиевнинг тадқиқотларига кўра, антропотопонимларнинг вужудга келиши жамиятда синфлар пайдо бўлиши, қулдорлик тузумининг шаклланиши каби ижтимоий воқелик билан боғлиқ. Хусусий мулкчиликка асосланган феодализм даврига келиб ҳудуднинг асосий фарқловчи белгиси сифатида унинг кимга қарашли эканлиги нисбат қилиб олинган. Натижада катта ҳудудлар, қишлоқ ва маҳаллаларга йирик феодаллар, уруғ ва жамоа бошлиқлари, маҳаллий ҳукмдорлар номи берилган [3].

Шу билан бирга, антропотопонимлар кўпинча ном учун асос бўлган шахснинг тарихда эгаллаган мавқеини эслатиб туради. Масалан, милоддан олдин Ўрта Осиёни забт этган Александр Македонский ғалабаси шарафига Александрия Эсхата (Чекка Александрия) шаҳрини барпо қилган. Қадимий шаҳарнинг харобалари ҳозирги Хўжанд шаҳри атрофида топилган. Бухоролик географ олим А.Мавлоновнинг ёзишича, Марказий Осиёдаги иккита - Марғиёна Александрия ва Эсхата Александрия шаҳарлари ўз даврида жуда катта майдонларни эгаллаб, кўплаб халқлар ва ҳудудларни бирлаштирган македониялик Александр номи билан аталган. Марғиёна Александрия шаҳрининг харобалари ҳозирги Туркманистондаги Марв шаҳри яқинида жойлашган [4].

Шахсларнинг исм-фамилияларига қўйилган номлар ҳақида таниқли номшунос олим Ҳ.Ҳасанов шундай ёзган эди, “агар географик карта тилга кирса эди, жами сайёҳ ва жасур йўлбосарларнинг хизматлари намоён бўлар эди. Карта кўпгина олим ва денгизчилар - ўша ерни текширган, ўша ердан сузиб ўтган ёки муҳим асар ёзганларнинг номларини мангу сақлайди” [5]. Тасман денгизи, Федченко музлиги, Миклухо-Маклай қирғоғи, Гудзон қўлтиғи, Дежнёв бурни каби минглаб номлар шулар сирасига киради.

Буюк географик кашфиётлар даврида, янги кашф қилинган географик объектларга кўпинча, янги ер очувчи, номаълум ўлкаларга бориб, жонини гаровга қўйган тадқиқотчи олимлар, сайёҳларнинг номларини бериш анча кенг тарқалган. Улар қаторига Левингстон - шаршара; Магеллан - бўғоз; Кук - орол, бўғоз, тоғ; Стенли - шаршара; Беринг - бўғоз, денгиз; Амундсен - денгиз; Флиндерс - орол, тоғ, дарё ва бошқаларни киритиш мумкин [7].

Карталарда тарихий шахслар, саркардалар, давлат арбоблари номлари ҳам мўҳрланган. Петр I, Вашингтон, Хошимин, Виктория, Мак-Кинли, Александр каби давлат ва сиёсат арбоблари номига қўйилган географик объектлар бунга яққол мисол бўлади. Яқинда, Қозоғистон пойтахти Астана шаҳрининг номи ҳам, мамлакатнинг биринчи президенти, елбаси Нурсултон Назарбоев шарафига Нурсултон деб ўзгартирилди.

Ўрта Осиёнинг энг баланд чўққиси (Помирда, 7495 м.) - Сомонийлар давлатининг асосчиси Исмоил Сомоний номи билан аталган. Прежевалский, Северцов, Корженевский, Мушкетов, Ошанин, Федченко каби атоқли олимларнинг номлари ҳам, турли географик объектларга берилган. Жаҳон фани, маданияти, маънавияти тараққиётига буюк ҳисса қўшган алломаларнинг, ватан озодлиги, мустақиллиги учун курашган, жонини фидо қилган ватанпарвар номлари ҳам жой номларида мангу сақланади. Баъзан, давлат бошлиқлари, подшоҳлар, сайёҳ ва тадқиқотчиларнинг севикли кишилари, ҳатто қароқчилар номлари ҳам картада абадийлашиб қолган. Масалан, Англия қироличаси Виктория номи билан кўл, машҳур денгиз қароқчиси Дрейк номи билан бўғоз аталган [5].

Кишиларнинг исм-шарифи, тахаллуси билан боғлиқ номларни икки турга - мемориал ва оддий номларга ажратиш мумкин. Мемориал номларга ҳақиқий буюк кишилар, яъни замон, жамият қандай бўлишидан қатъий назар ҳурмат билан тилга олинадиган, бутун инсониятга хизмат қилган шахслар номларини киритиш мумкин. Бундай номлар ҳар қандай жамиятда сақланиб қолади. Аммо, қандай номлар мемориал ном эканлигини вақт белгилайди.

Таъкидлаш жоизки, қадимдан Ўрта Осиё ҳудудида маълум - машҳур кишиларнинг номларини шаҳар-қишлоқларга қўйиш расм бўлмаган, аксинча шоирлар, олимлар ва бошқа машҳур кишилар ўзлари туғилиб ўсган жойнинг номини кўпинча нисба қилиб олиб, жонажон ўлкаларини дунёга машҳур қилганлар. Уларга Имом Бухорий, Муҳаммад Хоразмий, Абўнаср Форобий, Қаффол Шоший, Абўлайс Самарқандий каби дунёга машҳур алломалар нисбалари мисол бўлади. Ҳозирги кунда аждодларимизнинг ана шу олийжаноб анъанасини давом эттирсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳозирда айрим географик объектларга уламолар, азиз-авлиёлар, ислом динининг йирик намояндалари номи берилган. Кўпинча, географик объектнинг ижтимоий-экологик мувозанатини сақлаш мақсадида антропонимлардан фойдаланишган. Бундай номлашлар биринчидан, ўша масканларга зиёратчилар сонини кўпайиши ва диний туризмни ривожланишига замин яратган бўлса, иккинчидан, ҳудуд табиатини асраб-авайлаш ва маҳаллий аҳолида мазкур объектга нисбатан эгалик ҳиссини шакллантириш учун хизмат қилган [14].

Шўролар даврида мафкуравий антропотопонимларга катта эътибор берилган эди. Уларнинг кўпчилигини коммунистик партия доҳийлари ҳамда совет тузуми жонкуярларининг номлари ташкил қилган. Ленин, Калинин, Киров, Свердлов, Дзержинский, Жданов каби кўплаб номлар ана шу давр маҳсули ҳисобланади. Маълумки, илмий пойдевори мустаҳкам бўлмаган ҳар қандай устқурма бир кун бўлмаса бир кун барбод бўлади. Совет давлати парчаланиб кетгандан кейин, бундай «қизил» номлардан воз кечилди, улар ўрнига янги номлар берилди ёки тарихий номлари қайта тикланди [8].

Ҳозирги вақтда антропотопонимлар дунёнинг барча минтақалари топонимияси таркибида учрайди. Албатта, Ўзбекистон топонимияси бундан мустасно эмас, мамлакатимизда ҳам кўча, майдон, хиёбон, боғлар, гузар, маҳалла, корхоналар, муассасалар, аҳоли пунктлари, геологик, табиий ва бошқа бир қатор географик объектларга давлат, жамоат арбоблари, ватан ҳимоячилари, фан, маданият арбоблари ва бошқа алоҳида хизмат кўрсатган одамларнинг номини бериш орқали антропотопонимларни катта қатлами яратилган.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда географик объектларга кишилар номини беришни тартибга солиш мақсадида бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар орасида 2011 йилда қабул қилинган «Географик объектларнинг номлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим аҳамият касб этади. Мазкур қонунда илк бор географик объектларга одамларни исми-шарифини бериш тартибга солинди. [9].

Қонунда белгиланган нормадан шундай хулоса келиб чиқадики, фақат истисно тариқасида Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг номи географик объектларга берилиши мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, географик объектларга кишилар номини бериш зарурияти пайдо бўлиб қолган тақдирда антропотопонимлар моделининг грамматик жиҳатдан ўзбек тилига мос, энг тўғри ва мукаммал типи антропоним ҳамда обод, қишлоқ, овул, маҳалла, қўрғон, тепа, дашт, боғ каби географик терминлардан иборат бўлган шакли ҳисобланади.

Географик объектларни антропонимлар билан номлашнинг ижобий томонларини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Машҳур кишиларнинг номини топонимлар сифатида абадийлаштириш аслида ёмон иш эмас, аммо бу ишни пухта ўйлаб, оқилона амалга оширилган маъқул. Мабодо, географик объектга ном сифатида антропонимларни танлаш зарурияти пайдо бўлса, унда, қонунда белгилангандек, Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар номини тавсия қилиш мумкин.

Энг аввало, улар бизга буюк аждодларимизни, замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари ва порлоқ келажагимизни доимо эслатиб туради. Қолаверса, миллий антропотопонимларнинг ўзига хос жозибаси бор, улар халқимизда авлод-аждодлари кимлигини яхши билиш ва содиқ ворис бўлиш каби туйғуларни шаклланишига ёрдам беради. Бундан ташқари, антропотопонимлар бошқа турдаги номлар каби тил бойлигимиз, сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий қиёфамизни намоён қилиб туради. Уларнинг муҳим тарбиявий аҳамияти ҳам бор, ёшларимизда фахр ва ғурур туйғусининг пайдо бўлишига кўмаклашади.

Шунинг учун, антропотопонимларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Улар халқларнинг этник келиб чиқиши, тили, этногеографик хусусиятлари, тарқалиш ареали, миграцияси каби масалаларини ойдинлаштириш имкониятини беради.

*Хулоса.* Бажарилган тадқиқот натижаларига таянган ҳолда, қуйидаги хулосаларни баён қилиш мумкин:

- антропотопонимлар бугунги кунда дунёнинг барча минтақалари топонимияси таркибида учрайди;
- Ўзбекистон топонимиясининг энг устки стратиграфик (тарихий) қатлами антропотопонимларнинг кўплиги билан ажралиб туради;
- яқин ўтмишда географик объектларга давлат, жамоат арбоблари, ватан ҳимоячилари, фан, маданият арбоблари ва бошқа алоҳида хизмат кўрсатган одамларнинг номини бериш орқали антропотопонимларнинг катта қатлами яратилган;
- қадимдан шарқда географик объектларга кишилар номини бериш расм бўлмаган, ҳозир ҳам амалдаги қонун талабларидан келиб чиқиб аждодларимизнинг ана шу анъанасини муносиб давом эттирсак мақсадга мувофиқ бўлади.

**Адабиётлар**


1. Дўсимов З. Хоразм топонимлари. -Т.: 1997.
2. Караев С. Топонимия Узбекистана с топонимическим словарём. -Т.: 2015. –С.500.
3. Аҳмадалиев Ю. Фарғона вилояти топонимлари. –Фарғона: 2009.
4. Мавлонов А. Македониялик Александр бунёд этган шаҳарлар географияси. Ўзбекистон география жамияти Ахбороти. 55-сони. 2019.
5. Ҳасанов Ҳ. Танланган асарлар. -Т.: 2019. 335- б.
6. Мурзаев Э.М. География в названиях. -М.: 1987.
7. Hakimov Q.M. Toponimika. -T.: 2016.
8. Ҳакимов Қ.М. Жиззах вилояти топонимлари. –Жиззах: 2014. 204-б.
9. Ҳакимов Қ.М. Антропонимлар ва уларнинг ҳудудий тафовутлари ҳақида. Ўзбекистон география жамияти ахбороти. –Тошкент: 47 жилд. 2016, 138-141-б.
10. «Географик объектларнинг номлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2011.
11. Бегматов Э. Исмларнинг сирли олами. -Т.: 2014.
12. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1-жилд. -Т.: 2000.
13. Гафуров А. Имя и история. -М.: 1987.
14. Комилова Н.Ў. Этноэкологик маданиятнинг географик жиҳатлари (Фарғона водийси мисолида). География фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. -Т.: 2019.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада жой номига айланган антропонимларнинг ҳудудий тафовутлари, тарқалиш географияси, шакланиш қонуниятлари ва минтақавий хусусиятлари ўрганилган. Шу билан бирга, антропотопонимлар аниқ мисоллар ёрдамида тадқиқ қилинган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается некоторые закономерности наименования и территориальное различия антропотопонимов, а также, их научное, политическое и практическое значения. Кроме того на конкретных примерах изучены происхождения и этимология некоторых антропотопонимов.

**SUMMARY**

This article is viewed some laws of names and territorical variety of antropotoponims, as well as their scientific, politic and practical significance. Also with concrete examples are researched their origins and etymology of some antropotoponims.